



ТУРКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ КАПИТАЛ ЖАМҒАРИШНИНГ ТАРИХИЙ ТЕНДЕНЦИЯСИ

Хаджимуратов Абдуқаҳҳор Абдумуталович

Фарғона жамоатчилик саломатлиги тиббиёт институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти, иқтисод фанлари доктори. Фарғонакхоофс ш. Ўзбекистон. men_xadjimuratov@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss3/a27

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон тарихига оид, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида, капиталистик бозор муносабатларининг қарор топишидаги дастлабки капитал жамғариш жараёни ўрганилган. Тадқиқот натижаларида, дастлабки капитал жамғариш жараёнлари асосан деҳқончилик, ирригация, ҳунармандчилик, саноат, қурилиш ва ипотека кредитлари соҳаларида рўй берганлиги аниқланган. Натижада, хусусий тадбиркорлик структуралари шаклланиб, капиталистик бозор муносабатлари ривожланганлиги кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлари: капитал жамғарилиши, хусусий мулк, тадбиркорлик, ипотека кредити, ҳунармандчилик, мануфактура, пудрат, хусусий капитал, саноат капитали, сутҳўрлик капитали.

Аннотация

В статье исследуется процесс первоначального накопления капитала в становлении капиталистических рыночных отношений в истории Узбекистана второй половины XIX - начала XX веков. Соответственно определены, что процессы первоначального накопления капитала происходили в основном в сферах сельского хозяйства, ирригации, ремесел, промышленности, строительства и ипотечного кредитования. Указано, что в результате сформировались предпринимательские структуры и развились капиталистические рыночные отношения.

Ключевые слова: накопление капитала, частная собственность, предпринимательство, ипотечное кредитование, ремесла, мануфактура, подряд, частный капитал, промышленный капитал, ростовщический капитал.

Abstract

This article examines the process of initial capital accumulation in the history of Uzbekistan, the second half of the XIX century - early XX century, the formation of capitalist markets. Accordingly, the initial capital accumulation processes took place mainly in the fields of agriculture, irrigation, handicrafts, industry, construction, and mortgage lending. As a result, entrepreneurial structures were formed and capitalist market relations developed.

Keywords: capital accumulation, private property, entrepreneurship, mortgage lending, handicrafts, manufacturing, contracting, private capital, industrial capital, usury capital.

Кириш

Ҳаммамизга маълумки, бугунги кунда Янги Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг миллий “Ўзбек модели” ни яратмоқдамиз. Албатта, бу стратегик жараёнда иқтисодиётда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама ривожлантирилиши жуда ҳам

муҳимдир. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганидек: “Тадбиркорлар фаолиятини жадал ривожлантириш жамиятимиз тараққиёти ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи, иқтисодийтимиз барқарор ўсишининг энг муҳим кафолатидир” [1].

Шундай экан, Марказий Осиёда фаолият олиб бораётган тадбиркор инсон иқтисодий тараққиётидаги ўтмишини ҳар томонлама билиб олиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу шу куннинг тадбиркорига биргина ўзининг эмас, балки ижтимоий тараққиётнинг замини бўлган зарур назарий ва амалий кўникмалар билан қуролланишига ёрдам беради. Шундан келиб чиқиб, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларидаги Ўзбекистон тарихига оид, собиқ Туркистон халқларининг уддабуронлиги туфайли аграр, саноат ва бошқа соҳаларда содир бўлиб ўтган тадбиркорлик “тўлқинлари” ҳақидаги сабоқларни эслатиб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Бинобарин, бу мустамлака даврида ўлкамизда капиталистик бозор муносабатлари ривожланиб борган, лекин, бизни айнан қизиқтирган масалалар – хусусий тадбиркорлик шаклланиши жараёнида, дастлабки капитал жамғариш ўша онда қай тарзда рўй берган ва қандай йўналишларни қамраб олган, ҳамда ўзига хос қандай хусусиятларга эга бўлган? Шунингдек, мамлакатимизнинг ҳозирги иқтисодий тарихини ривожланиши учун бу тарихий жараёнларни қандай аҳамияти бор? Бу саволларга жавоб топиш учун биз, ушбу мақолада ўша даврдаги социал - иқтисодий ҳаётнинг тарихий жараёнларини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Вахоланки, бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар турли йўналишларда жадаллаштирилиб борилаётган экан, ўйлаймизки мазкур тадқиқотларимизнинг натижалари оз бўлса ҳам аҳамият касб этса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунга биноан, илмий ўрганишлар натижаси кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон ҳудудидаги ҳозирги даврдаги тадбиркорлик структураларининг эволюцион илдизи, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларидаги аграр, шунингдек ирригация, саноат соҳаларидаги тарихий илк манбааларга бориб тақалади. Чунончи, бу даврда капиталистик бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши, айнан аграр соҳага асосланганлиги бежиз эмас. Қолаверса, бу тарихий манбаалар кейинги вақтларда, яъни Ўзбекистон мустақиллиги даврида кам ўрганилган, аниқроғи деярли ўрганилмай келинмоқда. Буларнинг ҳаммаси, танланган мавзунинг бугунги кундаги долзарблигидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мамлакатимизда тадбиркорлик структураларини ривожлантирилиши, давлат томонидан қўллаб – қувватлаш механизми такомиллаштириб борилмоқда. Ушбу мавзунинг ўрганишимиздан мақсад, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг стратегиясини белгилаб берган: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги[2] тарихий фармонини ўрганишдан келиб чиқди. Бунга кўра, аграр соҳанинг дастлабки маҳсулоти АСКнинг бошқа соҳаларининг ривожланишига асос сифатида, ҳом-ашёни мамлакатимиз ичида тўлиқ қайта ишлаш, яъни қўшилган қиймат занжирини ҳосил қилиш мақсадидан келиб чиқиб, соҳани модернизация ва диверсификация қилиш, соҳага бозор иқтисодий таъминотларини амалда жорий этиш бўйича пахтачиликда тўлиқ кластер тизимига ўтишга қаратилган.

Дастлабки капитал жамғаришнинг моҳияти бўйича эса, классик сиёсий иқтисоднинг асосчиларидан, немис иқтисодчиси К. Маркнинг “Капитал”[3] асарининг 1 томида (24 боб) Англиядаги классик капитализмни анализ қилишда ишлаб чиқилган, қўшимча қиймат назариясининг таркибий қисми бўлган – дастлабки капитал жамғаришнинг назарий, илмий-текшириш методологиясига асосландик. Бунга кўра, дастлабки капитал жамғариш жараёнининг бошланғич нуқтасини белгилаб олдик.

Шу билан биргаликда, мамлакатимизнинг худуди тарихига оид бир қатор илмий манбаалар мавжудки, улардан собиқ Туркистон ўлкасини мустамлака шароитида, илк бор пахта ҳом-ашё базасига айлантирилиб, капиталистик бозор муносабатларининг ривожланиши, шунингдек, хусусий тадбиркорлик фаолиятининг шаклланиши ва ривожланишига оид бўлган манбаалардан, дастлабки капитал жамғариш жараёнининг реал воқелигини ва унинг хусусиятларини аниқлаб олинса бўлади. Булардан, ватандошимиз А.М.Аминовнинг “Экономическое развитие Средней Азии(колониальный период) – (Т.:Госиздат,1959) [4] илмий асарида, XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида, собиқ Туркистоннинг социал-иқтисодий ҳаётида мустамлака сиёсатининг туб мохияти, яъни ўлка иқтисодиёти бир томонлама ривожланиб, пахта ҳом-ашё базасига айлантирилиши оқибатида капиталистик бозор муносабатлари қарор топганлиги исботлаб берилган. Бинобарин, муаллиф Совет тузуми сиёсатидан келиб чиқиб, ўша даврдаги маълумотлар мос келишига қарамай, Ўрта Осиё тарихида капиталистик тузум ҳукм сурганлигини очиқ ошкора айтолмаган, шунингдек унинг бошланғич нуқтаси бўлмиш – дастлабки капитал жамғариш жараёнига алоҳида таъриф бермаган.

Рус олимларидан, П.Г.Галузонинг “Туркестан – колония”(М.1929)[5] асарида: Ўрта Осиёни мустамлакага айлантирилиши ва унда Россия империясининг олиб борган сиёсати ёритилган бўлиб, бунда манба бўлишига қарамай, дастлабки капитал жамғариш масаласи алоҳида ўрганилмаган. Шунингдек, Вл.Лаврентьевнинг “Капитализм в Туркестане”(Л.1930)[6] номли асарида: Кўрсатилган манбалардан кескин фарқ қилиб, Ўлкада мустамлака шароитида капитализмнинг шаклланиши ва қарор топиши жараёни ўрганилиб, асосан хусусий тадбиркорлик структураларини шаклланиши, уларни банк капиталига узвий боғлиқлиги кўрсатиб берилган, лекин дастлабки капитал жамғариш жараёнига алоҳида ва етарли даражада эътибор қилинмаган. Шулар билан бир қаторда, В.В.Заорская В.В.,К.А. Александерлар ҳаммуаллифлигидаги “Промышленное заведение Туркестанского Края”(Петроград,1915)[7], асарида, мустамлака даврида Ўлкага саноатни кириб келиши ва унга мос равишда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлиги статистик рақамларда ифодаланган, лекин бунда ҳам дастлабки капитал жамғариш жараёни ўрганилмай, унинг натижалари қайд этилган.

Бу ўрганилган илмий адабиётларнинг таҳлили бўйича уларни иккита катта йўналишга бўлиш мумкин: Бир гуруҳ олимлар собиқ Туркистонда мустамлака тузумининг характерли томонларини етарлича ёритиб берган бўлсалар, иккинчи гуруҳи эса, капиталистик бозор муносабатларини, яъни ўлканинг аграр соҳасига асосланиб бошқа соҳаларда ҳам хусусий капитал ҳаракатининг ёйилиб борганлигини батафсил баён этганлар. Бинобарин, биз ўзимизнинг илмий тадқиқотларимизда ушбу тарихий маълумотларга асосланиб, шу вақтгача деярли ўрганилмай келаётган ўша даврдаги хусусий тадбиркорлик фаолиятининг шаклланиши, ривожланиши ва уларга асос бўлган дастлабки капитал жамғаришга таъсир этган бир қатор омилларни имкон қадар ўргандик ва илмий хулосалар қилдик.

Тадқиқот методологияси

Дастлабки капитал жамғариш манбааларини ўрганишимизда тарихий ва мантиқий усуллар бирлиги, илмий абстракция, тизимли таҳлил, статистик гуруҳлаш ва таққослаш, анализ ва синтез каби илмий - тадқиқот усулларидан фойдаланилди. Булар: - Тарихий ва мантиқий усуллар бирлигига кўра, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида содир бўлиб ўтган иқтисодий ходисаларга тарихий жараён сифатида қаралиб, дастлабки капитал жамғариш жараёнини, капиталистик бозор муносабатларининг шаклланиши ва қарор топишидаги ички зарурий қонуният деб ўргандик; - илмий абстракция усулига кўра, биз таҳлил пайтида бутун бир капиталистик

ишлаб чиқариш муносабатлари ичидан бўлиб ўтган ходиса ва воқеаларнинг иккинчи даражалисини четлаштириб, эътиборни фақат методологик жihatдан аниқлаб олинган, ўрганилаётган мавзуга, яъни дастлабки капитал жамғариш жараёнига оид бўлган факт ва рақамларга қаратдик; - тизимли таҳлил усулига кўра, дастлабки капитал жамғариш жараёнини ўрганишни деҳқончиликдан бошлаб, сўнгра ирригация, ҳунармандчилик, саноат, қурилиш ва бошқа соҳаларга қаратдик; - статистик гуруҳлаш усули бўйича, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб қурилган ва амал қилган саноат корхоналарини аниқлаб, уларни соҳалари ва тадбиркорлик фаолиятининг структуралари бўйича гуруҳларга бўлиб чиқиб, ҳулоса қилдик; - анализ ва синтез усулига кўра эса, дастлабки капитал жамғариш аввало қайси соҳадаларда содир бўлганлигини ажратиб олдик ва ҳар бир соҳа алоҳида ўрганилди. Бунинг натижасида дастлабки капитал жамғаришнинг тарихий тенденциясини аниқладик ва ҳулоса қилиндики, Ўлкада капиталистик тузум амал қилган.

Тадқиқот натижалари

Ўйлаймизки, алоҳида олинган минтақаларда дастлабки капитал жамғарилишини ўрганишнинг методологик асоси бўлиб, бу жараённинг бошланғич нуқтасини аниқлаш ҳисобланади. Бинобарин, бу жараённинг икки томони бор. Биринчиси - деҳқонлар ва ҳунармандларнинг ишлаб чиқариш воситаларини мажбурий равишда тартиб олиниши; иккинчи томони эса, саноатчи тадбиркорларнинг шаклланишидир. Бинобарин, **дастлабки капитал жамғарилиши жараёни, капиталистик бозор муносабатларининг шаклланаётганлигидан далолат беради.**

Капиталистик жамғаришнинг туб негизини, “дастлабки” жамғариш деб аталмиш жараён ташкил этади, бу капиталистик ишлаб чиқаришнинг натижаси эмас, балки бошланғич нуқтасидир. Бошқача сўзлар билан айтганда, дастлабки капитал жамғариш, капиталистик ишлаб чиқариш усулининг дастлабки бошланғич нуқтасидир.

Дастлабки капитал жамғариш тарихидаги кўплаб даврларни туб ўзгаришлар ташкил этади. Бу капиталистлар синфини вижудга келишидаги бозорнинг дастаги ҳисобланади. Бунда энг аввал, шундай онлар бўладики, яъни бунда, жуда катта миқдордаги омма бирдан ўз ҳаёт манбаларидан ажратилиб меҳнат бозорига равона қилинадилар. **Деҳқонлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг ўз ерларидан маҳрум қилиниши, бу жараённинг асосини ташкил этади.** Бу тарихда, турли даврларда, турли мамлакатларда ҳар - хил тусда рўй берган. Бу жараён, классик шаклда, фақатгина Англияда бўлиб ўтган. Ҳақиқатда дастлабки капитал жамғарилиш методлари - ҳар нима бўлса бўлиши мумкин-у, аммо лекин роҳат – фароғат эмас[3]. Шу жойда белгиланганидек, бу жамғариш, капитализмни (генизиси)вужудга келишининг асосий онларидир, бу - деҳқонларнинг ўз ерларидан маҳрум қилиниши, цех мастерларидан мануфактуристларнинг етишиб чиқиши, савдо капитали, судхўрлик капитали, мустамлакаларнинг таланиши, давлат қарзлари тизимлари, омма хазинасининг таланиши ва протекционизм сиёсатларидир. Бевосита **ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан ажратилиб, маҳрум қилиниши, дастлабки капитал жамғарилиши жараёнининг асосий онларини ташкил қилади.**

Бу назарияга асосланиб, ўрганилган манбалар шундан далолат берадики, собиқ Туркистоннинг иқтисодий тарихида, дастлабки капитал жамғаришнинг алоҳида белгилари, деҳқончилик, ирригация, тўқимачилик, ипакчилик, қурилиш ва ҳунармандчилик соҳаларида бўлган.

Собиқ Туркистонда дастлабки капитал жамғариш, буржуазия ер мулкчилигини киритилишидан дарак беради. Бу аввало XIX асрнинг охирида Россия империяси томонидан Туркистонни босиб олиниши билан боғлиқ. Бу босқинчиликни бош мақсади – собиқ Туркистон ўлкасини Россия саноати буржуазияси учун хом-ашё базасига ва сотиш бозорига айлантириш бўлган. Ўз навбатида эса, феодал мулкчилик

муносабатларига барҳам бериб, ердан фойдаланувчиларнинг эркинлигини чегаралаш бўлган. Рус ҳукумати Туркистонни босиб олиб, мустамлакага айлантирган. Шундай қилди ҳамки, ҳудди барча буржуазия босқинчилари ҳар қандай муслмон мамлакатлари устидан тутган одатий йўлдек. Масалан, Франция томонидан Жазоирни мустамлакага айлантирилиши.

Туркистонда ердан маҳрум бўлиш икки вариантда юз берган, яъни: қирғиз–қозоқ ва ўзбек вариантларида. Қирғиз ерлари қишлайдиган ўтов, баҳорги ва кузги ўтлов, ёзги яйловга бўлинган. Бу ерларга эгалик қилиш ҳуқуқи ўтроқ халқларга тарихан чорвачилик туфайли яйлов ерларни ота-боболари, қайсидир ўтган авлодлари томонидан эгаллаш туфайли вижудга келган.

1886-йилда Россия Империяси белгилаган “Туркистон ўлкасини бошқариш Низоми”га кўра[8], XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, Туркистон кўчманчилари томонидан эгалланган ерларнинг ҳаммаси янги давлатчиликнинг мулки деб эълон қилинган. Семиречидаги барча кўчманчиларнинг ерлари давлат мулки деб тан олинган қоида амал қилган ва бунга кўра, ҳукумат тортиб олган ҳамма ерлар ҳеч қандай қаршиликсиз ишғол қилинган.

Шу билан бирга, янги ҳукумат, маҳаллий аҳолини кўчириш сиёсатини олиб борган. Кўчманчи аҳолини доимий яшаш ва ҳўжалик ишларини юритиш учун бошқа жойларга кўчирилган. Агар улар руслар ҳукумати томонидан расмийлаштирилган бўлса, бундай вазиятда уларга мулк ҳуқуқи берилган. XX асрнинг бошларига келиб, бу тадбир яна ҳам жадаллашган.

Бу жараёнда, Туркистондаги ўтроқ халқни доимий яшаш жойи билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиш масаласи, Чор ҳукуматини ҳеч қандай қайғуртирмаган. Бинобарин, асосий мақсад янги кўчиб келган рус халқини ҳар қандай йўл билан, яхши яшашга қулай, шароити бўлган ерларга жойлаштириш бўлган. Шу сабабли, биринчи навбатда энг яхши, унумдор экин майдонлари суғоришга қулай бўлган ерлар тортиб олинган. Ҳуллас, янги ҳукумат давлат мулкчилигини шакллантиришда қирғизларнинг ўтган авлодларидан қолган энг яхши ерларини “қонуний” равишда ўзлаштириб олган. Масалан, ўлканинг бешта вилоятларида 1906-йилда 136 та аҳоли посёлкасига 493,8 минг гектар ер тегишли бўлган бўлса, бу 1913-йилга келиб, 116 та янги посёлка аҳолисининг ерга эгаллиги 53,4 минг гектарга тушиб қолган. Семиречида суғориладиган экин майдонлари, умумий ер майдонларининг 62,5% ини ташкил этган[5].

Булардан шуни англаб олиш қийин эмаски, бу “кўчириш сиёсати” маҳаллий аҳолидан, асосан асрлар давомида ўтган авлодлар томонидан меҳнат қилиниб тузатилган, ҳосилдор ерлар тортиб олинган. Шуни ҳам эътибордан четлаштирмаслик лозимки, қирғиз авлодларидан тортиб олинган ерлар - рус кўчманчилари томонидан, айнан шу қирғизларни сутҳўрлик йўли билан эксплуатация қилиш қуролига айланган. Ҳуллас, қирғизлар яшаш мақсадида, зўравонлик йўли билан тортиб олинган экин ерлари ва яйловларидан қайтадан фойдаланиш учун, рус кўчманчиларига ижарачи сифатида мурожаат қилганлар.

Рус мустамлакачилари ўша даврларда хозирги Ўзбекистоннинг худуди миқёсида ҳам қишлоқ ҳўжалиги районларида, ерга бўлган ҳўсусий мулкни ўзларига расмийлаштириб олганлар. Бу вариантда, ерга бўлган ҳўсусий мулкни жорий этиш, қирғиз ва қозоқ чўлларида бўлганига қараганда бошқачароқ тусда рўй берган.

Собиқ Туркистоннинг деҳқончилик районларида ерларни қайта тузиш, ҳудди ўлпон(солиқ) ислоҳоти сингари, рус ҳукумати томонидан, жуда кўплаб ўзгаришлар, тузатишлар киритилиб, сўсткашлик билан олиб борилган. Гап шундаки, XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, рус ҳукумати мулк ва амлок ерларида ишловчиларнинг ҳамма солиқ тўловчиларини, хонлар давридаги эскирган натурал формасидан ўлпон пул формасига ўтказган. Туркистонни “Бошқариш Низоми”га биноан, 1886-йилдан

бошлаб, солиқнинг пул формасига бутунлай ўтилиб, “давлат ер солиғи” деган янги атама киритилган. Бунга кўра, натура кўринишидаги рента ва солиқлар пул формасига ўтказилган. Шунингдек, Чор Россияси ҳукуматининг 1895-1910 йиллар мобайнида, жорий қилган солиқ сиёсати, қишлоқларда синфий табақаланишни тезлаштирган. Бу даврда кадастрнинг жорий этилиши ҳам, солиқ ставкасини ошишига олиб келган. Масалан, Тошкент уездининг алоҳида районларида бу кўтарилиш 30% гача борган. Самарқанд вилоятида эса, бу - 70% дан 600% гача ортган[9.114б.]. Буларнинг барчаси пахтачилик районларида деҳқонларни ердан ажраб қолиш жараёнини тезлаштирган.

Провардида, бу омиллар таъсирида товар-пул муносабатлари ривожланган, яъни солиқчиликнинг пул формасига умумий тарзда ва бирдан ўтилиши, XIX асрнинг охирларига келиб, ички бозорларни кенгайтишига олиб келган. Бунда Туркистон, Рус буржуазиясининг мустамлакачилик объектига батамом айланиб, аввалги натурал хўжаликлар қисқарган ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни бевосита товар шаклига кириши оммавийлашган, яъни ишлаб чиқаришни ташкил этишда бевосита товар ишлаб чиқаришга ўтилиши тенденцияси амал қилган.

Шу билан биргаликда, бу жараёнда, Рус ҳукумати доимий равишда амлоқдорлар эгаллаган ерларни хусусий мулкка ўтказишни қонунлаштириб борган. Бу ерга бўлган муносабат, унга бўлган муслмончилик муносабатларини исёнчилик йўли билан руслар фойдасига “миллийлаштириш” бўлган.

Биобарин, юқоридаги омиллар таъсирида, яъни деҳқонларнинг унумдор, сўғориладиган районларидаги ўз ерларидан ажратилиш жараёнининг тезлашуви, ер баҳосининг бирдан ошиб кетишига олиб келганлигидан далолат беради. Бу тенденция, аввало шаҳарларни қамраб олиб, провардида тез орада қишлоқларга ҳам ёйилган. Бу жараён, иқтисодий жихатдан **хусусий мулкни ўсишини таъминлаган**.

Шу билан бир қаторда, ерларни олди-сотди билан боғлиқ муомалаларнинг ривожланиши, кўпроқ шаҳарларда бўлганлигини кузатиш мумкин. Шаҳар ерлари устидан бўлган олиб-сотарлик(спекуляция) шу даражада ривожланган эдики, ҳатто XIX асрнинг охирларига келиб Туркистонда, шаҳар-ер банклари вижудга келган. Бу ўз навбатида, ер савдосини умумий равишда кенгайтишни тезлаштирган. Масалан, XIX асрнинг 90-йилларида Нижегород-Самара ер банки ва кейинроқ Полтава банкларининг бўлимлари Тошкентда очилиб, ер олди-сотди муомаласи билан шуғулланганлар.

Бу жорий қилинган буржуазия ер мулкчилиги, бевосита товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий ахволини оғирлашувига олиб келган. Улар муаммолардан жабр тортганлар, яъни оғир мураккаб шароитда ишлаш, уларни 40 % дан - 70% гача ички ресурсларини янги ер эгаларига беришларига мажбур қилган. Ер билан боғлиқ олди-сотди муомаласининг кенг тарқалиб ривожланиши, рус капиталининг шиддатли равишда кириб борган пахтачилик районларида, биринчи навбатда Фарғона водийсида рўй берган. Маълумотларга қараганда, бу жараён ўша даврдаги барча хўжаликларнинг деярли 40 % ини қамраб олган[6].

Биобарин, мана шу йўллар билан, кимдир бир томондан, кўчмас мулкга эга бўлган бўлса, иккинчи томондан эса, кимлардир ўз ерларидан маҳрум бўлганлар. Мана шундай вазиятда, **иқтисодий муносабатлар имкониятида, капиталистик мулкни йириклашиб бориши таъсирида, яъни Россия буржуазиясининг “илиқ”-қулай “ҳамиртуруши”бағрида маҳаллий аҳоли ичидан унинг ёрқин вакиллари пайдо бўлиши** тенденциясини кузатиш мумкин. Масалан, Фарғона вилоятининг Аввал қишлоғидан Эрматбой Субонқуловнинг ўзи яшаб турган жойида 1851-йилда отасидан 9 та ер участкаси ворис бўлиб, қолган эди. У 1869-йилдан ер сотиб олишни бошлаган ва 1908-йилга келиб, 68 та ер участкасига эга бўлган, бу 200 десятина ердан иборат эди.

Бошқа мисол, Андижоннинг Асака районида Жўра Пайсот 400 гектар ерга эга бўлган. Бунинг 36 гектари унга отасидан қолган ва қолганларини 40 йил давомида сотиб олган. Шундан 40 гектари 1917- йилги революциядан кейинги вақтга тўғри келади. Унинг 100 та ишчи оти, 80 та хўкизи, 100 та сигири, мингта қўйи, 70 та ооч, веялка ва бошқалари бўлган. Булар билан биргаликда, унинг 10 та ишчиси ва кўплаб мардикорлари, шоликорлари билан биргаликда, яна унинг пахта тозалаш заводи, ун тегирмони ва карвонсаройлари бўлган.

Албатта, бу махаллий бойлар хўжаликларида дастлабки капитал жамғаришнинг манбаи, ўйлашмишки, фақат деҳқончилик ишлаб чиқаришидан олинган даромад бўлибгина қолмай, балки хўжалик фаолиятидаги савдо ва судхўрликдан олинган даромад ҳамдир.

Шубҳасиз, дастлабки капитал жамғариш жараёнида судхўрлик муносабатлари иштирок этган. Туркистонда ер билан боғлиқ бундай судхўрлик муносабатлари, ипотека кредити асосида шаклланган. Бу судхўрлик, муслмончиликда таъқиқланишига қарамай, амал қилган. Бундай кўпчилик судхўрлик кредитлари, ерларни гаровга олган тарзда, ерларни сафарбар қилиб тортиб олишнинг “яширин” формасидир. Мана шу йўл оқибатида, ҳар йили ўз еридан ажралиб пролетариатлар сафига қўшилганлар, ҳайрон қоларли даражада кўпайган. Масалан, биргина Фарғона вилоятида ҳар йили 265 минг тача ҳужжатларда ерни гаровга қўйиб шартнома тузилган ва уларнинг 40 мингтачаси сотилишга маҳкум бўлган. Натижада, 25% гача хўжаликлар ўз ерларидан ажралиб қолишган ва уларнинг 50 % эса, фақат томорқага эга бўлганлар[6].

Кўриниб турибдики, ипотека формасидаги судхўрлик капитали, собиқ Туркистон қишлоқларига ерга бўлган ҳусусий мулкни кириб келишини тезлаштирган. Бунинг оқибатида, экин ерларидан ажралиб қолган деҳқонлар кўпайиб, ерга бўлган ҳусусий мулкнинг йириклашуви рўй берган ва савдо – судхўрлик капитали кўплаб, ерларни ўз қўлида жамлаб, мулкни йириклашувига эришганлар.

Юқоридагилардан маълумки, Рус мустамлакачилиги Туркистонни босиб олиб, кўплаб “ерсиз” синфларнинг қатламини пайдо бўлишига сабабчи бўлган. Бунинг оқибатида, деҳқонлар ўз ерларини сотишга мажбур бўлиб, оммавий равишда ердан ажраганлар. Масалан, Фарғона вилоятида 1900-1904 йиллар мобайнида ерларнинг сотилиши ўртача йилига 19 минг руб. бўлган бўлса, бу 1905-1907 йилларда 90,5 минг руб.га ошиб бориб, 1909-1912 – йилларда эса, ерларнинг сотилиши муомаласи йилига ўртача 372,6 минг рублгача кўтарилган. Бундан шундай тенденцияни кузатиш мумкинки, йиллар давомида еридан ажралган ва кам ерли деҳқонлар кўпайиб борган ва бунга кўра ўртаҳол деҳқонлар сони камайган. Биринчи жаҳон уруши арафасида ердан ажраган деҳқонларнинг салмоғи, Марғилон уездида - 20%, Андижонда -15%, Наманганда-11% бўлган бўлса, Каттақўрғон уездининг алоҳида қишлоқларида 30% гача етган[10.160б.].

Хуллас, “ерсиз” синфларнинг қатлами - савдо ва судхўрлик капиталининг кучли таъсирида, майда натурал хўжаликларнинг инқирозга учраб, парчаланиши оқибатида вижудга келган.

Бинобарин, жирканч судхўрлик тутқуни оқибатида чорикорлик келиб чиққан. Вахоланки, чорикорлик фаолияти ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, судхўрлик муносабатларининг тўғридан-тўғри давом этишидир. Буни шундай таърифлаш мумкинки, судхўрлик капиталининг таъсирига дучор бўлган деҳқон ўзининг кичкина, бир қулочдан иборат бўлган (оиласининг тирикчилигини ўтказиб турган) еридан ажралиб, уни тўлиқ бойнинг ихтиёрига ўтказган. Бунинг оқибатида, чорикор улушчига айланиб қолган, натижада ўз меҳнати ва ундан олинган даромаднинг асосий қисмини мулкдорга доимий равишда беришга мажбур бўлиб, ишловчи иқтисодий жиҳатдан “эркин” қишлоқ хўжалиги ишчиларидан деярли фарқ қилмаган.

К.Маркс дастлабки капитал жамғаришнинг манбалари ва методларига таъриф бериб, айтган эдики, саноатчи капиталистларнинг вижудга келиши – нисбатан секинлик билан шаклланган фермерликдан фарқ қилади, яъни саноатда капиталистик муносабатлар анча тезроқ шаклланган. Ҳақиқатда, баъзи цех мастерлари ва майда ҳунармандлар “капитализмнинг ҳомиласи”, яъни куртакларига айланганлар, сўнгра эса, ёлланма меҳнатни эксплуатация қилишни кенгайтирганлар. “Дастлабки капитал жамғаришни тарихий формаси - капитал дастлаб, онда-сонда, кўринмас ҳолда ёки алоҳида жойларда, аввалги ишлаб чиқариш усули билан бир қаторда, аста секинлик билан ҳамма жойларда пайдо бўлади, бу бир томондан ва иккинчи томондан эса, мануфактуранинг шаклланиш жараёни юз беради, лекин бу хали фабрика эмас.

Қишлоқдаги майда ҳунармандчиликнинг қўшимча фаолияти мануфактуранинг асосини ташкил этган бўлса, шаҳардаги ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини юқори даражада талаб қилиш мобайнида, унинг фабрика ишлаб чиқаришини ташкил этиш мумкин”[11]. Мануфактурада, оддий кооперациядаги сингари (биргаликда меҳнат тақсимооти асосида), ишчининг иштирок этиши, бу капитални амал қилиш формасидир.

Мустамлака давригача, Ўлкада ҳунармандчиликни ривожланиши ва саноат марказларининг пайдо бўлиши XIX асрнинг ўрталарига келиб, Туркистонда умумий Ўрта Осиё бозорини шаклланишига олиб келган. Савдогарлар ўз фаолиятларини кенгайтирганлар ва **воситачилик** кенг тарқалган. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида дастлабки капитал жамғаришнинг жадаллашувига туртки бўлган.

Мустамлакачилик даврининг янги муносабатлари эса, ҳунармандлар аҳволига ва ҳунармандчилик саноати ҳолатига ҳам таъсир этган. Кўпчилик ҳунармандлар, фабрика ва заводларга рақобат қила олмай, ўз фаолиятини тўхтатганлар, оқибатда батрак ёки ўлпон тўлаб ишлайдиганларга айланганлар. Шунга қарамасдан кооперация кўринишидаги кўплаб цехлар узлуксиз фаолият кўрсатган. Бу ишлаб чиқаришни ҳунарманд уста (ҳалфа) ва унинг шогирдлари ташкил этган. Шогирд мобода ишни тарк этадиган бўлса, ҳунари учун устозини махсус тўлов билан рози қилиши лозим бўлган.

Булардан ташқари тарихий манбаларда шундай маълумотлар ҳам борки, анчагина йирик корхоналарнинг кўпчилик қисми, шунингдек Бухорода аввалдан, ўз вақтида яхши маблағга эга бўлган ҳунармандлар, ота ва боболаридан мерос бўлиб қолган капиталга асосланганлар. Бу қатламнинг капитал жамғариш йўлига тушиб олишидаги шароит – бу, уларнинг оиласида бир нечта моҳир уста ҳунармандларнинг мавжудлигидир. Бундай вазиятда, жуда оғир меҳнат ва қаттиқ тежамкорлик, бу оилаларни оёққа туриб олишларига имконият берган. Улар, ўз вақтида моҳир уста ҳунармандларни ёллаб, ишлатиб, уларнинг сафини кўпайтиришга эришганлар ва тадбиркорлик сафига қўшилишларига имконият яратганлар.

Ўрта Осиёда ҳам айнан Россиядаги сингари “Оилавий кооперация” капиталистик эксплуатациянинг “куртак”ини яратган. Ёлланма меҳнатдан фойдаланиш, оилавий ишчиларни кўпайтириш билан, бир қаторда борган[12]. Шу билан бирга, бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш усулининг ўзгариши, унда қатнашувчилар ўртасидаги муносабатни ўзгаришига олиб келган. Агар, ёлланма устада келажакда мулк эгаси, ҳўжайинга айланиш имкони бўлса, аксига олиб, у ўз фарзандлари билан тадбиркорда ёлланиб ишлашга умрбод мажбур бўлиши мумкин. Бу шундай ифодаланадики, ёлғиз ҳунарманд, унинг товарини сотиб олувчи(заказчик-скупчик) савдогардан олдиндан ишлаб чиқаришни ташкил этиш эҳтиёжига зарур бўлган маблағни, яъни бай пулини олиб, ўз мустақиллигини йўқотган ва унга қарам бўлиб қолган. Бундай вазиятда, ҳунармандлар савдогарлардан олдиндан “қалтис” маблағ олиши сабабли, ишлаб чиқарилган ҳамма маҳсулотини унга паст баҳода сотишга мажбур бўлган. Айнан шу вазиятга дучор бўлиш, уста ҳунармандларни яққол, ёлланма ишлаб чиқарувчиларга айлантирган. Демак, ишлаб чиқаришга бундай

ёндошув, айнан капиталистик бозор муносабатларини бошланишини англатади. Бундай вазиятда - шу ва шунга ўхшаш корхоналарда ёлланма усталар, вақт ўтган сари ўзининг ҳунармандчиликдаги билими ва тажрибаси билан, бутун умрга ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлган ёлланма ишчиларга айланиб бориши тенденцияси амал қилган.

Бинобарин, кулолчиликда ёлланма усталарни ишлатиш аллақачонлардан буён одат бўлган. Бу ерда кулол - бир қанча шогирдлари билан ишлаб чиқаришни ташкил этиб, ўзи ёки шогирдларидан бири, кўпроқ ҳолларда асосий ўринни устанинг ўзи эгаллаган. Бундай кулолчилик ва ҳунармандчилик марказларида, масалан, Фарғона водийсининг Риштонида бир қанча моҳир усталар уюшган ҳолда, мақсадга мувофиқ айтарли даражада катта устахоналарни ташкил этишган.

Эслаб ўтиш лозимки, ўзига ҳос катта корхоналар, XIX асрнинг бошларидаёқ пайдо бўлиб, ҳаттоки улар аслзодалар гуруҳига ҳизмат қилганлар. Шундай матони зартилла билан безаш ҳунармандчилик цеҳи, кейинги вақтларда фақат Бухоро ҳонлиги даврида фаолият кўрсатган.

Бу вақтларда, ўзбек ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида бозор муносабатларининг янги белгилари пайдо бўлиб, бунга кўра, унинг анча ривожланган тармоқлари капиталистик мануфактура даражасига ўтган, яъни ишлаб чиқариш аллақачон талаб ва таклиф қонунига мувофиқ ташкил этилган.

XIX асрнинг бошларида Туркистонда тўқимачилик фабрика ишлаб чиқаришининг “ҳомиласи”, кўртак манбаси - тарқоқ, кучсиз мануфактура формасида вижудга келган. Бундай мануфактуранинг пахта толасини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган тури Тошкентда фаолият кўрсатган. Бу даврларда ҳусусий, йирик устахоналар капиталистик корхоналарнинг бошланғич кўриниш формаси бўлган. Аммо анчагина ривожланган савдо-саноат марказларида йирик устахоналар билан бир қаторда, феодал муносабатларда бўлган устахоналар ҳам фаолият кўрсатиб, кейинги анча вақтларгача ҳам сақланиб қолган. Шу билан бир қаторда, яхши ривожлана олмаган баъзи тармоқларда, шунингдек шахарларда ҳам, капиталистик ишлаб чиқариш формаси эмас, ҳатто феодал тизимнинг йирик ишлаб чиқариш корхоналари вижудга келмаган ҳолатлар ҳам мавжуд бўлган.

Булардан ташқари дастлабки капитал жамғариш жараёни бошқа ҳунармандчилик устахоналарида, масалан, тўқимачилик, ипакчилик, этикдўзлик, зартўқиш ва бошқаларда ўзлари яшаб турган жойларида косибларни ёллаш орқали, ўз фаолиятини ташкил этиш кўп тарқалган эди. Шунга ўхшаш бошқа устахоналарда, яъни ювелир, бронза қуйиш кабиларда шогирдларни ўрганиш муддати жуда узоқ бўлган. Шогирд, устозиникида танланган ҳунарни ўрганиб олган бўлса ҳам, у устозига ўрганган ҳунар ва берган нон, тузи учун, кўп йиллар давомида ишлашга мажбур қилинган.

Капиталистик муносабатларнинг шаклланиши билан, корхоналарнинг ҳажми катталаша бошлаган ва саноат марказларида корхоналарни анча йириклашиб бориши тенденциясини кузатиш мумкин. Бинобарин, бу корхоналар эгасининг қўлида, баъзида юзлаб ёлланган усталар ишлаган. Масалан, корхоналар ишлаб чиқаришининг улкан даражада йириклашуви Бухоро ип-йигириш касб-ҳунармандчилик корхонасида бўлган. XX асрнинг бошларида бу ерда 30 га яқин бой саноатчилар маълум бўлган ва уларнинг ҳар бирида, ўнлаб турли мутахассисликларга эга бўлган юзга яқин ишчилар ишлаган [10-185б]. Булардан ташқари, асрлардан буён, Ўрта Осиёнинг юқори навли ипак толасини ишлаб чиқарадиган ва сотадиган марказларидан бири бўлган Марғилон шаҳрида, ипак тўқимачилик саноати бошқа йўл билан ривожланган. XX асрнинг бошларида бу ерда, 3350 та тўқимачилик дастгоҳлари ишлаган. Марғилоннинг ҳунарманд ва косибларини ҳар томонлама воситачи ва товламачилар ўраб олган

булиб, улар фақат ўз фойдаларини кўзлаб, косиб - ишлаб чиқарувчиларни истеъмолчиардан ажратиб қўйганлар.

Кўриниб турибдики, бундай ишлаб чиқаришнинг ўзига ҳос характерли хусусияти шундан иборат эдики, Марғилон бойларининг ўз ишлаб чиқариш корхоналари бўлмаган. Ваҳоланки, бойлар ҳунармандларни ўзларига тобе қилиб олиб, уларни эксплуатация қилишларининг моҳияти шундан иборат эдики, воситачилар ўз фойдаларини кўзлаб, ишлаб чиқарувчиларни олдиндан маблағ билан таъминлаганлар ва бунинг оқибатида, ишлаб чиқарувчиларнинг асосий даромадларини “имтиёзли” равишда ўзлаштириб олишга эришганлар. Шунга қарамасдан, Марғилоннинг ипакчилик шойи тўқиш саноати ҳам, яъни катта йирик устахоналар бўлмаса ҳам, капиталистик ишлаб чиқариш йўналишига тушган. Хуллас, косиб - ҳунармандларни кредит билан таъминлаб турган, судхўр тоифасидаги ўша ишбилармонлардан дастлабки капиталист тадбиркорлар етишиб чиққан. Ваҳоланки, буларнинг негизида дастлабки капитал жамғарилиш жараёни ётади.

Шунингдек, бошқа мисолни ҳам келтиришимиз мумкин. Масалан, Қарши шаҳрида Ўрта Осиёда машҳур бўлган Қарши алачаси, яъни ярим ипакдан тўқилган тўшама мато таёрланган. Булар ҳам, янги капиталистик корхоналарни яратганлар. Бу ерда 25 та га яқин саноатчи бойлар бўлган ва уларнинг ичида энг йириги Охун Алачи машҳур бўлиб, унинг бешта биносида 40 та ип йигирув дастгоҳи ишлаган[10.185б.]. Кўриниб турибдики, бундай барча миллий “одатлар” авлоддан авлодга ўтиб, ҳозирги мустақил Ўзбекистон давригача етиб келган.

Собиқ Туркистонда шаклланган капиталистик муносабатлардаги дастлабки капитал жамғарилиши **жараёни қурилиш** соҳасини ҳам четлаб ўтмаган. ХХ асрнинг бошларида ишлаб чиқаришнинг алоҳида типдаги кўриниши бўлиб, дастлабки пудрат пайдо бўлган. **Пудрат** – олдиндан ишни бойлаб олиниши бўлиб, ўз вақтида Туркистонда дастлабки капитал жамғаришнинг усулларида бири сифатида намоён бўлган.

Шу билан биргаликда қурилиш ишлари, феодализм даврида амал қилган. ташкиллаштириш усуллари бўйича олиб борилган. Бундаги устачиликда, икки кўринишдаги ишлаб чиқариш муносабатларини ажратиш мумкин. Улардан биринчиси, Туркистон шаҳарларида, катта қурилишларни амалга оширган, рус ҳукумати, рус ва маҳаллий аҳолидан ташкил топган хусусий корхоналар - капиталист пудратчилар пайдо бўлган. Улар(бинони қураётган хўжайин) ўзларига қурилиш моллари билан таъминлаш, ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш вазифасини олганлар холос. Бино қураётган хўжайин бошқа ҳеч нарсага аралашмаган. Ҳаттоки, бинони лойиҳалаш ишларини ҳам айтиш мумкин. Пудратчи бўлишга, одатда қурилишни биладиган бой ва қурилиш мутахассислиги бўлган мохир, уddaбурон усталар эришганлар. Пудратчилик орқали қурилиш ишларини ташкил қилиш ва уни амалга ошириш, дастлаб янги ҳукуматнинг административ, харбий ва улар яшаши учун зарур бўлган биноларни қурилишида, ўлка шаҳарларида, ҳусусан Тошкент, Фарғонада кенг тарқалган. Иккинчиси эса, булардан сўнг, руслар ва маҳаллий аҳолидан, завод ва фабрикаларни қурадиганлар, тарихий атамаларга биноан, “заводчиклар”-заводларнинг бой эгалари пайдо бўлган. Тошкентда биринчи заводчик Илъиндан сўнг, маҳаллий аҳолидан 3 та бой усталар - Содиқбой, Умарбой ва Тожибойлар ғишт заводларини қуришган ва фаолият кўрсатишган. Улар, дастлабки капитал жамғариш жараёнида, ишни қурилишда пудратдан бошлаб, маблағ тўплаб, яъни капитал жамғариб, пировардида йирик капиталист - тадбиркорларга айланганлар.

Кўриниб турибдики, капиталистик муносабатлар ўлкада, дастлаб қишлоқ хўжалигига кириб бориб, аста-секинлик билан бошқа соҳаларни ҳам қамраб олган.

Хулоса ва таклифлар

1. Шундай қилиб хулоса қиладиган бўлсак, биз кўриб ўтган, дастлабки капитал жамғариш усуллари жараёни - Туркистонда капитализмнинг вижудга келишига асос, пойдевор бўлиб хизмат қилган. Албатта, бу замин - манба туфайли ушбу минтақада турли соҳалар бўйлаб, хусусий тадбиркорлик структуралари вижудга келган. Хусусан, бу фаолият дехқончилик, ирригация, пахта тўқимачилик, шойи тўқиш, турли ҳунармандчиликлар, қурилиш ва қоракўлчилик, банк - молия соҳаларида кенг ривож топган. Булардан ташқари, юқорида кўриб ўтилган тадбиркорлик фирмаларининг фаолият турлари бўйича, кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Тадбиркорлик манбалари - якка, хусусий, коллектив ва давлат тадбиркорлиги фаолиятларининг мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Бу ерда: якка тадбиркорлик - савдода, ҳунармандчилик ва косибчилик кўринишида фаолият кўрсатган. Хусусий – майда ер эгаларининг дехқончиликда, чорвачиликда ва цехларга бирлашган тарзда, мануфактура ва қурилиш, шунингдек ирригация қурилиши, ерларни суғориш, завод қурилиши ва пудрат соҳаларида бўлган.

Коллектив тадбиркорлик эса, турли уюшмалар ва акционерлик жамиятлари шаклида - ишлаб чиқариш, савдо, темир йўл қурилиши ва банк-молия соҳаларида амал қилган. Шунингдек, ирригация соҳасидаги, акционерлик жамиятининг фаолият кўринишини ҳам эшлаш мумкин. Бунда, хусусий капитал, ирригация қурилишида ижара ва концессия кўринишида бўлган. Бинобарин, бундан шундай тенденцияни кузатиш мумкинки, тадбиркорлик фирмалари фаолиятининг ривожланишига банк капиталининг таъсири кучайиб борган, яъни кўплаб йирик тадбиркорлик фирмаларининг деярли ярим акцияси банкларга тегишли бўлган. Бундан саноат-молия гуруҳларининг шаклланганлигини билиш мумкин. Вахоланки, капиталистик муносабатлар етарли даражада ривожланган.

2. Собиқ Туркистондаги хусусий тадбиркорликнинг алоҳида хусусияти, бу экин майдонларни суғоришда дастлабки капитал жамғариш мобайнида тадбиркорлик “руҳи”нинг сақланиб қолишидир. XIX асрнинг охири – XIX аср бошларида Чор Россияси ҳукумати томонидан Туркистондаги ерларга мустамлака фонди сифатида муносабатда бўлишига қарамай, пахтачилик ҳар томонлама ривожланган.

Бинобарин, ўлкага пахтачилик билан боғлиқ бўлган саноатни кириб келиши туфайли, Ўрта Осиёдан Россиянинг Европа қисмига пахта толасини етказиб беришнинг кўпайиши, тенденциясини кузатиш мумкин. Тарихий илмий таҳлилларга кура айтиб ўтганимиздек, 1886-1914-йилларда Рус тўқимачилиги саноатига Ўрта Осиёдан пахта толасини етказиб бериш 42 маротаба кўпайган. Агар 1888-йилда минтақада 13,2 минг гектар суғориладиган экин майдонларига пахта экилган бўлса, 1914-йилга келиб, пахтага ажратилган экин майдонларининг умумий ҳажми, 1917 йил октябр революциягача максимал нуқтага – 748 минг гектарга етиб, энг юқори, яъни 301 минг тонна пахта толаси тайёрланган[13]. Бунда Фарғона водийси революцияга қадар Ўрта Осиёнинг асосий пахтачилик минтақаси бўлган ва 65% пахта майдони водийга тўғри келган.

Бу ўзгаришлар эвазига ҳукуматнинг мустамлака сиёсатига биноан, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, яъни пахта ҳом-ашёсини қайта ишлаб, Россия саноатини ҳом-ашё билан таъминловчи соҳалар ривожланган. Масалан, 1914-йилга келиб, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб (хисобимизга кўра) 609 та заводлар қурилган ва фаолият кўрсатган. Буларнинг йирикларидан: 220 та пахта тозалаш заводлари, 27 та ёғ-мой, 12 таси совун ишлаб чиқарувчи, 58 таси ун заводи, 22 та ғишт заводи, 13 таси спирт ва бошқа заводлар фаолият кўрсатган[7].

3. Бу тарихий далиллардан англаб олиш мумкинки, ўлкада шаклланган ва фаолият кўрсатган ирригация ва саноатдаги хусусий тадбиркорликлар, Россия тўқимачилик саноатини ривожланишига катта туртки бўлган. Вл.Лаврентьев айтиб

ўтганидек: “Туркистонни босиб олиш, Россиянинг улғайиб келаётган ёш капиталига, хусусан тўқимачилик саноатига жуда катта чекланмаган миқёсда имконият яратиб берган ва сотиш бозорларини кенгайтирилишига олиб келган. Бу имконият орқали, Россия савдо капитали, “Осиё ишлаб чиқаришининг иқтисодий асосига”, нафақат туртки берибгина қолмай, балки унинг ўзи ҳам манашу асосга кўра ривожланиб қолган”[6].

4. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, собиқ Туркистоннинг социал – иқтисодий ривожланиши тақдири кўплаб, олиб борилган мустамлакачилик сиёсатига боғлиқ бўлган. Тадбиркорлик ва бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳукуматнинг режасига кирмаган. Бинобарин, ҳукуматга бу муносабатлар ривожланадими ёки йўқми, унинг асл мақсади, ўлкани иқтисодий жиҳатдан талаб, ҳом-ашё базасига айлантириш бўлган ва мақсадига етган ҳам.

Кўриниб турибдики, ҳукумат томонидан хусусий капиталнинг улкан имкониятларини инобатга олиб, ундан самарали фойдаланиш механизми ярата олинмаган. Аксинча вазиятда, бу соҳада хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожланишига олиб келиб, бозор муносабатлари ҳам янада кенгроқ ривожланиши мумкин эди.

5. Тадбиркорлик йирик капиталининг Туркистон ерларига кириб келиши туфайли, ўлкадаги кўпчилик майда деҳқон хўжаликларининг тарқоқлик, уюлмаган, турғун фаолиятларига барҳам берилган. Аниқроқ қилиб айтганда, ўлканинг турғун ҳолатдаги қишлоқ хўжалигига таъсир кўрсатиб, уни прогрессив ўзгаришлар билан капиталистик бозор хўжалигининг йўналишига тушириб қўйган.

Бу тадбиркорлик ҳаракатлари манбаларининг тарихий – иқтисодий роли, ҳозирги давр учун аҳамиятга молик деб ҳисоблаймиз. Бинобарин, собиқ Туркистон ўлкасида бундай йўналишга капитални сарфлаш, хусусий тадбиркорлик ташаббуси билан деҳқончиликда илк бор самарали йирик фермер хўжаликларини барпо этиш мумкинлигини исботлаган. Булар туфайли, савдо-саноат капитали, банк капитали, ҳаттоки судҳўрлик капиталлари ҳам ривож топган. Ҳаттоки, банк капитали бевосита ишлаб чиқариш жараёни ичигача кириб борган.

6. Сабоқ сифатида айтиб ўтиш жоизки, ҳа, “собиқ Туркистон - мустамлака” бўлган. Тарих қанча аччиқ бўлмасин, шунга қарамасдан, янги ўзгаришларни тан олишимизга тўғри келади, яъни бу “тарих”нинг ижобий томонлари ҳам бўлган, албатта. Масалан, ўлгага илк бор саноат кириб келган. Темир йўллар қурилган. Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар шаклланган. Ташқарига товар чиқариб сотишга йўл очилган. Бир сўз билан айтганда, капиталистик бозор муносабатлари, ўлканинг турли соҳаларида хусусий тадбиркорликни шаклланишига туртки берган. Хуллас, дастлабки капитал жамғаришнинг кўриб ўтилган тенденцияси, капиталистик бозор муносабатларини қарор топишига олиб келган, аниқроқ қилиб айтганда, **ўлкада капиталистик тузум амал қилган**. Ваҳоланки, бу реал воқеликни Ўзбекистоннинг социал-иқтисодий тарихи сифатида Совет тузуми сиёсатига кўра очиқ-ошкора айтиш мумкин бўлмаган[4]. Бинобарин, бу сиёсатга кўра, Ўзбекистон, бошқа Ўрта Осиё республикалари билан биргаликда, социал-иқтисодий ҳаётида капиталистик тузумни четлаб ўтган, деб талқин қилинган.

7. Шундай қилиб ҳулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётидаги ҳозирги замон тадбиркорлик фаолияти, ўзининг узоқ даврлардан буёнги ўзак-манбаларига эга. Бинобарин, Ўзбекистон халқи менталитетидаги ҳозирги уддабуронлик, тадбиркорлик ҳисси - бозор муносабатлари ва тадбиркорлик манбаларига кўра, авлоддан авлодга ўтиб шу кунгача етиб келган. Шубҳасиз, бу менталитет мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг миллий “ўзбек модели”ни куришда асосий роль ўйнайди. Шу билан биргаликда, тадбиркорлик эволюциясининг

ривожланиш босқичларига назар соладиган бўлсак, бу вазиятда, энг ҳарактерлиси диққатни жалб қиладиган ўзгариш шундаки, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг йўналишида бевосита предмети, объекти бўлиб келган, пахтачиликни эслаш даркор. Агар, Ўзбекистон иқтисодиёти мустақилликгача, ҳам капитализм, ҳам социализм даврларида асосий ҳом–ашё базаси бўлиб келган бўлса, **янги босқичда** вазият тубдан ўзгарди. Мустақил Ўзбекистон иқтисодиёти аста - секинлик билан, ҳом-ашё базаси бўлишидан ҳалос бўлди. Ваҳоланки, Ўзбекистон мустақилликка эришгани билан бу вазиятдан чиқиб кетиш осон кечмади. Бинобарин, мана кейинги вақтларда, ҳукуватимиз раҳбариятининг бош тадбиркорлиги туфайли, ривожланишнинг “Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилиниб, мамлакатимизда кластерлар тизими ташкил қилинди ва уларнинг комплекс фаолияти туфайли, қўшилган қиймат занжири механизми ташкилланди, провардида эса, бевосита тайёр махсулотлар ишлаб чиқаришга ўтилди. Шу сабабли мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ошиб бормоқда.

Юқоридаги ҳулосаларга асосланиб айтиш лозимки, капиталистик бозор муносабатларининг бу ўрганилган тарихий манбалари, ўз навбатида, бугунги кунда Янги Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг миллий “ўзбек модели”ни яратилишида алоҳида аҳамият касб этади деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъиян давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.:“Ўзбекистон”,НМИУ,2017.-68 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони.//Халқ сўзи, 24.10.2019.
3. Маркс К.Капитал – т.1. – Т.: “Ўзбекистон”, 1983.- 695-698 бетлар.
4. Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии(колониальный период). – Госиздат, 1959.
5. Галузо П.Г. Туркестан – колония. М., 1929. 106,107 бетлар.
6. Лаврентьев Вл. Капитализм в Туркестане. - Л.1930.-37,38 бетлар
7. Заорская В.В. , Александер К.А. Промышленное заведение Туркестанского края. –Петроград,1915. Вып.1. -17бет.
- 8.”Положение об управлении Туркестанского края” от 12 июня 1886 г.// Полное собрание законов Российской империи.- Т.VI.-СПб,1888.-№ 3814. 318-345 бетлар.
9. История народов Узбекистана.В.2-х.-Т.2-Т.:ФАН,1993.
10. История УзССР. В-4-х т.,Т.2.-Т.:Фан,1968.
11. Маркс К., Энгельс Ф. Соч. 2-е изд. –Т.46.-ч.1. - 502,503 бетлар.
12. Ленин В.И. Развитие капитализма в России. – ПСС. -т.3.-34 бет.
- 13.Тўхлиев Н. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. – Т.:“Ўзбекистон”,1999.-9 бет.